
Марғилон шаҳридаги 20-МТГда ёзги айвончалар, бассейн ҳамда ўйин майдончаси қуриб битказилмоқда

"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида Марғилон шаҳридаги "Терак таги" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 20-сонли мактабгача таълим ташкилотига ёзги айвончалар, бассейн ҳамда ўйин майдончаси қуриш таклифи "Очиқ бюджет" порталига жойлаштирилган эди.

Мазкур таклиф ташкилот жамоаси, маҳалла аҳли ва кўнгиллilar томонидан қўллаб-қувватланиб, ғолиб бўлган лойиҳа учун 600 миллион сўм маблағ ажратилди.

Ушбу маблағлар асосида ҳозирги кунда 350 нафар болажонлар тарбияланадиган мазкур таълим ташкилотида 12 та гуруҳлар учун 12 та ёзги айвончалар, бассейн ҳамда ўйин майдончаси қуриб битказилмоқда.

2023-09-16 12:13:42